

ТМИ доценти И.Очилов
ТМИ Магистранти О.Собиров

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиши хамда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида таомиллаштириши истиқболлари ёритиб берилган.

Аннотация. В статье изложены перспективы реформирования бухгалтерского учета в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан и совершенствования учета в соответствии с международными стандартами.

Annotation. The article outlines the prospects for reforming accounting in the sphere of small business and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan and improving accounting in accordance with international standards.

Калим сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари, милиявий ҳисоб, бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, международные стандарты бухгалтерского учета, милитаристский учет, международные стандарты бухгалтерского учета.

Keywords: accounting, international accounting standards, militaristic accounting, international accounting standards.

Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизне ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш вазифаси қўйилган [1]. Бу эса, улар фаолиятини ривожлантиришни таъминлашнинг зарурий шартларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро тизими ва андозалари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бухгалтерия ҳисоби халқаро андозалари Мюллер, Хернонларнинг фикрича, «бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузиш бўйича умум қабул қилинган қоидалардир». Бу қоидалар, халқаро тажриба кўрсатишича, бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоб деб аталмиш қисмини ташкил қилиш учун асослар бўлиб хизмат қиласидилар, чунки ривожланган бозор иқтисодиёти

мавжуд мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби иккига, яъни молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи.

В.Трегубованинг фикрига кўра, кичик корхоналар бухгалтерия ҳисобининг айрим қоидаларини қўллашни рад этиш имкониятига эга бўлганлари ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуидаги соддалаштирилган қоидаларини қўллашлари мумкин:

1. Асосий воситаларнинг қийматини камайтириш.

Кичик корхоналар асосий воситаларнинг қийматини мол етказиб берувчининг баҳосида, ўрнатиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳисобга олишлари мумкин.

2. Баҳоси юқори бўлган инвентарь харажатларини тўлиқ балансдан чиқариш.

3. Амортизацияни ҳисоблаш даври сонини камайтириш.

Кичик корхона ҳар қандай асосий восита бўйича амортизацияни 1 йилда бир марта (31 декабрда) ёки ҳар чоракда бир марта ҳисоблаши мумкин [2].

Е.Щербачеванинг хulosасига кўра, агар ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгаришлар тегишли ташкилий ҳужжатлар билан расмийлаштирилган бўлса ва молиявий йилнинг бошида киритилган бўлса, у ҳолда мазкур ўзгаришларнинг кичик бизне субъектларининг ҳисоб сиёсатига таъсири сезиларли даражада бўлмайди [3].

И.Дмитриеванинг фикрига кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисоби стандарти бўйича индивидуал ҳисоботларни тузишда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари концепциялари бухгалтерия ҳисобинии юритишда эмас, фақат маълумотларни ошкор қилишда қўлланилиши мумкин [4].

А. Сырбунинг фикрига кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисобининг қуидаги ташкилий шаклларини амалга ошириш лозим:

– ходимлар штатига бухгалтер лавозимини киритиш керак;

– молиявий имкониятлар чекланган шароитда, ҳисоб операцияларини юритишин шартнома асосида маҳсус ташкилотга ёки мутахассис-бухгалтерга тъопшириш зарур ;

– кичик корхона раҳбарининг бухгалтерия ҳисобини юрита олиш имкониятини ҳисобга олиш лозим [5] .

Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти – Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишининг соддалаштирилган тартибига (20-сонли БҲМС) мувофиқ, биринчидан, кичик тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатини ўз молиявий-
www.sharqjurnali.uz

хўжалик фаолияти эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил ишлаб чиқади, бухгалтерия ҳисобини эса, бухгалтерия ҳисобининг қонун ҳужжатларида белгиланган асосий қоидаларига мувофиқ юритади; иккинчидан, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари молиявий-хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос ҳисоблангани ҳолда, улар бошланғич ҳисоб ҳужжатлари молиявий-хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки улар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади; учинчидан, бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) – Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномага мувофиқ молиявий-хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счёtlар режаси тузилади [6].

1-МҲҲС (Молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари) бўйича бухгалтерия ҳисобининг таянч принциплари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- * фаолиятнинг узлуксизлиги;
- * бухгалтерия ҳисоби қоидаларининг барқарорлиги;
- * тушумни аниқлаш учун даромад ва харажатлар ҳисобини ҳисоблаш усули бўйича олиб борилиши;
- * мазмуннинг шаклдан устуворлиги;
- * маълумотларни МҲҲС талабларига мувофиқ ҳолда ишончли акс эттириш;
- * ҳисоб сиёсатининг қўлланиладиган принциплари мазмунини очиб бериш;
- * активлар ва пассивларни ўзаро воз кечилишига йўл қўймаслик;
- * муҳимлилик ва агрегатлаш;
- * таққослама маълумотлар.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг мақсади, унинг иккига бўлиниши эҳтиёжи пайдо бўлишини асослаш учун молиявий ҳисоб ва ҳисботнинг халқаро тизимини кўриб чиқиш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботнинг халқаро тизими ҳақида фикр юритиш учун бу янги иборанинг мазмуни ва моҳиятини англаш этиш керак. Молиявий ҳисоб алоҳида ўрганлиши керак бўлган ҳисоб тури эмас, балки уни бухгалтерия ҳисобининг бир бўлаги сифатида тушунмок лозим бўлади. Шунингдек, молиявий ҳисоб моҳияти, мазмуни, аҳамияти ва вазифалари билан танишиб чиқиш учун бухгалтерия ҳисоби бўйича жаҳон амалиёти ҳамда тажрибасига мурожаат этиш керак. Бу омилларни ҳисобга олиб, биз халқаро бухгалтерия ҳисоби тизими ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизимлари билан танишиб

чиқамиз.

«Бухгалтерия ҳисоби тизими деб, бу шундай яхлит тизимга айтиладики, у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот, сотиш жараёнларини бирлаштириб кўрсатувчи, макро ва микро даражада стратегик ва тактик масалаларни ҳал қилишга имконият берувчи бухгалтерия ҳисоблари режасига асосланган бўлади».

– макро ва микро даражада қарорлар қабул қилиш учун этарли даражада ахборотни олишда ривожланган миллий бухгалтерия андозаларининг мавжудлиги ва унинг ишлатилиши;

– бухгалтерия ҳисоботининг миллий ҳисоблар режаси. Ҳисоблар режаси ҳисоб тизимининг мақсадига мос келиб, энг асосий ўринда туради. Ҳисоблар режаси мулкчилик шакллари, баҳоларнинг ташкил топиш усул ва услублари, давлатнинг солиқ сиёсати кабиларга узвий боғланган равиша тузилиб, ҳисоб тизимининг мақсади ва вазифаларига мос тушади;

– корхона ва ташкилот микёсида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тизими. Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпгина ҳисоб тизимларида бухгалтерия иккига, яъни молиявий ёки умумий ва бошқарув бухгалтерия ҳисобига бўлинган бўлади. Молиявий ёки умумий бухгалтерия ҳисоби корхонанинг давлат, банк, актсионерлар, мол этказиб берувчилар, харидорлар, сармоядорлар ва бошқа алоқадор ташкилотларни ахборот билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланади.

Миллий ҳисоб тизими мос келувчи ташки ёки молиявий бухгалтерия маълум бир даражада давлат томонидан белгиланади, баъзи ҳолларда бир неча давлат томонидан аниқлаб берилади. Бу молиявий ҳисоб тури кўпроқ ташки алоқалар билан боғлиқ бўлгани учун давлат томонидан аралашув турли корхона, ташкилот, муассаса ва фирмалар молиявий ҳамда мулкий фаолиятини бир хил баҳолаш, молиявий натижалар, яъни фойдани аниқлаш бир хил усулда амалга ошиши учун ташкил этилади.

Молиявий ҳисоб ташки фойдаланувчилар учун корхона фаолияти ва унинг натижалари ҳақида маълумот беради. Молиявий ҳисобнинг мақсадлари ва вазифалари турлича бўлгани сабабли, ҳисоб турлари тубдан фарқ қиласи. Молиявий ҳисоб умумқабул қилинган андозалар ва тамойиллар асосида юритилади. Айнан шу андоза ва тамойиллар молиявий ахборотнинг ёзилиши, баҳоланиши ва топширилишини тартибга солиб туради. Ҳисобнинг бу умумқабул қилинган тамойиллари кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиб, олинадиган ахборотга ишончни кучайтиради, лекин бухгалтериянинг усул ва услубиётларини танлаш имкониятини чегаралайди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи стандартлари ҳамда ривожланиши муаммолари билан эса давлатлараро ташкилотлардан ташқари б та халқаро www.sharqjurnali.uz

профессионал ва учта халқаро касаба уюшмаси ташкилотлари шуғулланишади. «Бухгалтерия ҳисоби моделлари ҳар хиллиги муаммоси Ўзбекистон Республикаси учунгина эмас, жаҳон миқёсида ҳам долзарб бўлиб турибди. Бутун дунёда молиявий ҳисботлар тузиш ва улардан фойдаланиш жараёнида бухгалтерия ҳисобини бир хиллаштириш эҳтиёжи юзага келмокда.

Бухгалтерия ҳисоби турли тизимларни уйғунлаштириш тамойили эвропа Иттифоқи доирасида амалга оширилмоқда. Унинг моҳиятии шундаки, ҳар бир мамлакатда ҳисобга олишни ташкил этишнинг ўз модели ва уни тартибга солувчи андозалар тизими мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу андозалар ҳамжамият мамлакатларидаги шунга ўхшаш андозаларга зид бўлмаслиги, яъни бир-бири билан нисбий «уийғунлик»да бўлиши зарур.

Ҳисобга олиш омилларини андозалаштириш ғояси бўйича эса шуни айтиш керакки, молиявий ҳисботлар халқаро андозалари қўмитаси (Интернатионал Ассоунтинг Стандартс Соммиттес) эса молиявий ҳисботлар халқаро андозалари (Интернатионал Ассоунтинг Стандартс)ни ишлаб чиқсан ва эълон қилган ҳолда амалга ошираётган ҳисобга олишни бир хиллаштириш доирасида руёбга чиқариб борилмоқда. Ушбу ёндошишнинг моҳиятии – мамлакатдаги ҳар қандай вазиятда қўлланилиши мумкин бўлган бир хиллаштирилган андозалар тўпламини ишлаб чиқишида ва шу туфайли миллий андозалар зарур бўлмай қолишидадир. Ягона андозаларни жорий этиш масаласида шуни айтишимиз керакки, бунга қонун чиқариш юли билан эмас, балки ҳар бир мамлакатда ҳисобга олиш билан шуғулланадиган мутахассислар ва ташкилотларнинг кўнгилли равища келишишлари йўли билан эришиш яхши натижা беради.

Халқаро стандартлар тобора оммавийлашишга иккита воқеа сабаб бўлган:

Биринчи воқеа - молиявий ҳисботлар халқаро стандартлари қўмитаси ва қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти – (Интернатионал Организацион оф Сесуритиес Соммиссионс) ўргасида битим имзонланганлигидир. Ундан АҚШ молиявий доиралари ва конгресснинг Америка биржаларида актсиялар жойлаштиришга кўпроқ чет эл компанияларини жалб этишга интилишлари акс эттирилган. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилотига 1998 йил 12 январда қўшилди. Ушанда Республика Вазирлар Махкамасининг тегишли (16-сонли) қарори билан қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилотидаги ваколатли давлат органи - қимматли қоғозлар бозори ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази белгиланди.

Ҳозирги пайтда молиявий ҳисботлар халқаро стандартларидан фойдаланишнинг бир неча усули мавжуд. Буни жадвал ёрдамида изоҳлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Халқаро стандартлардан фойдаланиш усули ва хусусиятлари¹

КҮРСАТКИЧЛАР	МАМЛАКАТЛАР
1. Халқаро стандартларни миллий стандартлар сифатида қўллаш:	
а) Ўзгаришсиз	Кипр, Кувайт, Латвия, Малта, Покистон, Тринидад, Тобаго ва Хорватия
б) Янги ҳолат ва масалаларни инобатга олган ҳолда	Малайзия ва Папуа – Янги Гвинея
с) Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда	Албания, Бангладеш, Барбадос, Замбия, Зимбабве, Кения, Колумбия, Полша, Судан, Таиланд, Уругвай ва Ямайка
2. Халқаро андозалар асосида миллий андозаларни ишлаб чиқиши:	
а) қўшимча тушунтиришлар билан	Хитой, эрон, Словения, Тунис ва Филиппин
б) Такомиллаштириш асосида	Бразилия, Хиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Намибия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Словакия, Туркия, Франция, Чехия, Швейцария ва ЖАР
с) Таққослаш асосида	Австралия, Дания, Италия, Янги Зеландия, Швейцария ва Югославия

Иккинчидан, Германиянинг бирлашиши молиявий ҳисботлар халқаро стандартларга ўтишни тезлаштирди. Ушбу бирлашиш оқибатида мамлакатга сармоялар жалб этиш эҳтиёжи кучайди. Шу муносабат билан компанияларнинг молиявий фаолиятини ташқи фойдаланувчиларга, масалан, фонд биржалари ёки халқаро инвесторларга юналтириш зарур эди. Шу сабабли, фонд биржаларининг листингига кирадиган ва консолидатсияли молиявий ҳисботлар тузадиган компаниялар молиявий ҳисботлар халқаро стандартларни қабул қилишга мажбур бўлган эди.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини тузишда халқаро стандартларга такомиллаштиришга асосланиши биз учун ахборотни очишнинг аксарият меъёрлари мамлакат учун нисбатан янги эди. Уларнинг амалда қўлланилиши услубий қўлланмалар ва юриқномалар тайёрлашни бирмунча такомиллаштиришни талаб қиласр эди. Бу усулнинг тўғрилиги шу билан тушунтириладики, молиявий ҳисобга олиш халқаро стандартларининг объектив равишдаги афзал томонлари қўйидагилардан

¹ Muallif tomonidan tayyorlangan.

иборат:

- Иқтисодий мантиқ аниқлиги;
- Ҳисобга олиш соҳасида замонавий жаҳон амалиётида тўланган энг қимматли тажрибалар умумлаштирилиши;
- Дунёнинг барча мамлакатларидағи молиявий ахборотдан фойдаланувчилар ушбу ахборотни осонлик билан тушуниши.

Турли мамлакатларда ишлайдиган корхоналар молиявий ҳисботлари консолидацияланиши шароитида халқаро стандартлар компанияларнинг сарф-харажатларини қисқартирибина қолмай, капитал жалб этишга қилинадиган сарфларни ҳам камайтириш имконини беради. Маълумки, капиталнинг бозор нархи истикболда самара олиш ва таваккалчилик каби иккита асосий омил билан белгиланади. Айрим таваккалчиликлар компаниялар фаолиятининг ўзи билан боғлиқ бўлади. Лекин баъзи таваккалчиликларни ахборот этишмаслиги, капитал сарфларининг самараси тўғрисида аниқ маълумотлар йўқлиги келтириб чиқарган. Андозалаштирилган молиявий ҳисбот мавжуд эмаслиги ахборот этишмаслигидан келиб чиқади.

Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларнинг ўзига хос афзал жиҳатлари мавжудлиги туфайли улардан турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби олиш миллий амалиётида фойдаланишга интилмоқдалар. Лекин молиявий ҳисботлар халқаро андозаларнинг камчиликларини ҳам таъкидлаш лозим. Жумладан, қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Андозалар умумлашма тарздалиги, бу эса ҳисобга олиш усуllibарининг хилма-хиллигига йўл қўйиши;
- Андозаларни аниқ вазиятларга татбик этиш ҳусусида батафсил талқин ва мисоллар йўқлиги, бу эса уларнинг қўлланилишини қийинлаштириши.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси ана шу мураккаблаштирувчи ва салбий омилларнинг барчасини эътиборга олмоқда, уларни бартараф этиш бўйича фаол ишлар қилинмоқда. Жумладан, 1989 йил 1 январда қўмита э32 «Молиявий хужжатларни таққосланиши» хужжатини эълон қилди. Унда амалдаги молиявий ҳисботлар халқаро стандартлар рухсат этган ҳисобга олиш усуllibарини танлаш имкониятларини чеклаш бўйича 29 та таклиф киритилган. Бу хужжатни кўпчилик мутахассислар молиявий ҳисботлар халқаро стандартлар қўмитасининг энг яхши лойиҳаларидан бири деб ҳисобламоқдалар, у ҳисботлар мазмунидаги қатор тафовутларни муайян даражада бартараф этиш ва халқаро контекстда қиёсий таҳлил ўтказища ҳисботларни ўзгартириш омилларини соддалаштириш имконини беради.

Иқтисодиёт юксалиши омилларидан бири мулкчилик шакли турлилига эришиб, давлат мулкчилигини ягона хукмронлигига чек қўйишидир. Хозирги даврга келиб халқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, контсерн ва www.sharqjurnali.uz

бирлашмалари нафақат давлат мулкига, балки, хусусий, жамоа, акционерлар мулкига, ҳамда қўшма корхоналар мулкига ҳам асосланмоқда. Корхоналар қайси мулкчилик шаклига асосланганлигига ва фаолияти тури, доирасига кўра, улар хўжалик маблағлари миқдори ҳамда ҳажми турлича бўлади. Инвентаризатсия - корхона маблагини текшириб, рўйхатга олиш ва олинган маълумотларни ҳисоб маълумотлари билан солишириш демакдир.

Хулоса ва таклифлар

Кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини ривожлантириш улар фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини ривожлантириш бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларин мазкур тизимиға тўлақонли жорий этиш заруриятини юзага келтиради.

Кичик бизнес субъектларининг ҳисоб сиёсатига бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда киритилаган ўзгаришлар тегишли ташкилий ҳужжатлар билан расмийлаштирилган бўлса ва молиявий йилнинг бошида киритилган бўлса, у ҳолда мазкур ўзгаришларнинг кичик бизне субъектларининг ҳисоб сиёсатига таъсири сезиларли бўлмайди.

Фикримизча, кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Кичик бизнес субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қуйидагиларни ўз ичига оладиган соддалаштирилган тартибини жорий қилиш зарур:

- соддалаштирилган бухгалтерия счёtlари режаси;
- бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қисқартирилган ва оддий шакллари;
- бухгалтерия ҳисботларнинг соддалаштирилган тартиби.

2. Кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисоби жараёнларини ахборот-таҳлилий таъминотнинг сифатини ошириш йўли билан такомиллаштириб бориш лозим.

Халқаро амалиётда кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда асосий эътибор ахборот-таҳлилий таъминотнинг сифатини оширишга қаратилмоқда. Республикаизда эса, бухгалтерия ҳисобининг ахборот-таҳлилий таъминотининг сифатини ошириш кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида қараламяпти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
2. Трегубова В.М. Проблемные вопросы формирования учетной политики малыми предприятиями//Социально-экономические явления и процессы. – Москва, 2017. – №3. – С. 162.
3. Щербачева Е.Н. Изменение учетной политики посреди года//Отрасли права, 2015. УРЛ:[хттп://хн-7сббаж7аушиффнк.хн](#).
4. Дмитриева И.М. Учетная политика предприятий в соответствии с МСФО для малого и среднего бизнеса//Аудитор. – Москва, 2013. – №12. – С. 44-48.
5. Syrbu A.N. Features of the organization of accounting at small business // International journal of humanities and natural sciences. 2014. Vol. 5, Part 2.
6. 20-сон БХМС – «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 августда 2501-сон билан рўйхатга олинган, Молия вазириининг 2013 йил 16 июлдаги 70-сонли буйруғи билан тасдиқланган). www.lex.uz.